

## ЎЗБЕКИСТОНДА "ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ"ГА ЎТИШ СТРАТЕГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ЗАРУРИЯТИ

Махтимова Зарафшон Оллоёровна

ТДИУ ўқитувчиси

Ўзбекистонда "яшил иқтисодиёт"ни ривожлантиришнинг узоқ муддатли комплекс чора-тадбирлар тизими БМТ ташаббуси билан 2030 йилгача мўлжалланган барқарор ривожланиш мақсадлари билан хамоҳанг ишлаб чиқилган. Ўзбекистон Республикаси 2015 йилдан кейинги даврда БМТ томонидан 2030 йилгача мўлжалланган 17 та мақсадлар ва 169 та вазифалардан иборат барқарор ривожланиш дастурини қўллаб-кувватлаб, барқарор ривожланиш соҳалари бўйича комплекс ишларни олиб боришини маълум қилди.

- арzon, ишончли, барқарор ва замонавий энергия манбаларидан барча учун умумфойдаланиш имкониятини таъминлаш борасида 2030 йилгача жаҳон энергетика мувозанатида тикланувчан манбалардан олинадиган энергия улушини жиддий равишда кўпайтириш;
- энергия самарадорлигини кучайтириш бўйича кўрсаткични икки баравар ошириш;
- замонавий ва барқарор энергия билан таъминлаш учун инфратузилмани кенгайтириш ва технологияларни модернизация килиш вазифалари белгиланган;
- иклим ўзгаришига акс таъсир чораларини миллий даражада сиёсатга, стратегия ва режалаштиришга киритиш ҳамда иклим ўзгариши оқибатларининг олдини олиш, уларга мослашиш ва хавфли иклим ҳодисаларининг таваккалчилигидан эрта огоҳлантириш бўйича хабардорлиги ҳамда имкониятларини яхшилаш
- қуруқлик экотизимларини ҳимоялаш ва тиклаш, улардан оқилона фойдаланишга кўмаклашиш, ўрмонлардан оқилона ойдаланиш, чўлланишга қарши курашиш, ерларнинг ишлаб чиқариш.

**31.10.2024, UNITED KINGDOM**

<https://confrencea.one>

БМТнинг Баркарор ривожланиш дастури доирасида, жумладан, баркарор ва кенг қамровли иқтисодий ўсиш, тўлиқ ишлаб чиқариш ва барча учун муносиб иш билан бандликка қўмаклашиш ҳамда эгилувчан инфратузилмани яратиш, кенг қамровли баркарор индустрислантириш ҳамда инновацияларни рағбатлантириш қайд қилинган.

Мамлакатимизни 2017-2021 йилларда ривожлантириш бўйича харакатлар стратегиясининг қабул қилиниши "яшил иқтисодиёт"ни ривожлантириш барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш омилларидан бири эканлигини яна бир бор тасдиклади.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш, жумладан, Париж битими мажбуриятлари бажарилиши мақсадида 2019 йил 4 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2019-2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг"яшил иқтисодиёт"га ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўгрисида"ти ПҚ-4477-сонли Қарори қабул қилинди.

Стратегиядан кўзланган мақсад мамлакатда амалга оширилаётган тузилмавий ислоҳотларга "яшил иқтисодиёт" тамойилларини интеграция қилиш орқали ижтимоий ривожланишга, иссиқхона газларининг ажратмалари даражасини пасайтиришга, иқлим экология барқарорлигини таъминловчи мустаҳкам иқтисодий тараққиётга эришишдан иборат.

Стратегия мақсадларига эришиш учун қуйидаги асосий вазифаларни амалга ошириш зарур:

- технологик модернизациялаш ва молиявий механизmlарни ривожлантириш орқали иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини ошириш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш;
- давлат инвестициялари ва харажатларининг устувор йўналишларига илғор халқаро стандартларга асосланган "яшил" зонларни киритиш;
- давлат томонидан рағбатлантириш механизmlарини, давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш ҳамда халқаро молиявий институтлар билан

ҳамкорликни фаоллаштириш орқали "яшил" иқтисодиётга ўтиш йўналишлари бўйича тажриба-синов лойихаларини амалга оширишга кўмакланиш;

- таълимга инвестициялар киритишини рағбатлантириш, етакчи хорижий таълим муассасалари ва илмий тадқикот марказлари билан ҳамкорликни ривожлантириш ҳисобига "яшил иқтисодиёт"даги меҳнат бозори билан боғлиқ кадрларни тайёрлаш ва кайта тайёрлаш тизимини ривожлантириш;

- Оролбўйидаги экологик инқирознинг салбий таъсирини юмшатиш чораларини кўриш;

- "яшил" иқтисодиёт соҳасида, шу жумладан, икки томонлама ва кўп томонлама шартномалар тузиш орқали ҳалкаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш.

Ўзбекистонда узок муддатли истиқболда "яшил иқтисодиёт"га ўтиш стратегияси қуидаги тамойилларга асосланади:

- барқарор ривожланиш соҳасида миллий мақсад ва вазифаларга мувофиқлик;

- ресурслардан оқилона фойдаланиш, барқарор истеъмол ва ишлаб чикириш;

- иқтисодий ҳисоб тизимига экологик ва ижтимоий мезонларни киритиши;

- ижтимоий-иктисодий ривожланиш максадларига эришиш учун "яшил" воситалар ва ёндашувларни кўллаш устуворлиги;

- миллий иқтисодиётнинг муҳим тармоқларида рақобатбардошлиқни ошириш ва кўрсаткичларни яхшилаш, "яшил" ўринлари яратиш, ахолининг фаровонлигини ошириш орқали мавжуд макроиктисодий мақсадларга эришиш;

- ресурслардан самарали фойдаланиш тадбирларининг инвестицион жозибадорлигини тъминлаш.

Юқорида қайд этиб ўтилган мақсад ва вазифаларга эришиш миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш ва аҳоли турмуш сифатини яхшилаш билан бир вақтда "яшил иқтисодиёт" асосида барқарор ривожланиш йўлига ўтиш имконини яратади.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. А.В. Вахабов, Ш.Х. Хажибакиев ва бошқалар. Яшил иқтисодиёт: Дарслик. – Тошкент.: “Universitet”, 2020.
2. Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х. Барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлашда “яшил иқтисодиёт”нинг ўрни /“Жаҳонда барқарор иқтисодий ривожланиш концепцияларини амалга ошириш механизми ва дастаклари” мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. -.: Тошкент. “Universitet”. 2018.
3. Inclusive Green Growth the Pathway to Sustainable Development/ The World Bank page-48
4. <https://www greengrowthknowledge.org>